

**Жиноят кодексининг 8-моддасига мувофиқ, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.**

Жиноят ишлари бўйича Боғот тумани судининг 2010 йил 27 июлдаги ҳукмига кўра, А. Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми «д» банди билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 6 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгартирилиб, А.га нисбатан Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми «д» банди билан тайинланган 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилган ҳолда 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, А. 2010 йил 3 март куни соат 01 ларда маст ҳолатда қўшниси М.нинг уйига бориб, унга 100.000 сўм пули ва телефон алоқа компанияси тўлов карточкаларини ўғрилаб кетганлигини айтиб, топиб беришини талаб қилиб, маст ҳолатдаги М. билан ўзаро жанжаллашиб, уни уриб-тепиб, қасдан баданига оғир шикаст етказган. Натижада М. шу куни соат 15 ларда ўз уйида вафот этган.

Суд А. томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг

хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Жиноят ишини кассация инстанциясида кўришда қайд этилган Пленум қарори талабига риоя қилинмаган.

Кассация инстанцияси суди А.га нисбатан тайинланган жазони камайтиришда унинг айбига қисман иқдорлик билдириб, чин кўнгилдан пушаймонлик келтирганлиги, муқаддам судланмаганлиги, икки нафар фарзанди борлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, А.нинг жабрланувчилардан кечирим сўраганлиги, уларнинг даъволари йўқлигини ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, А.га нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида белгиланган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо тайинлаш ҳақида барвақт хулосага келган.

Иш бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, А. маст ҳолатида содир этаётган жиноий ҳаракатларининг олдини олишга ҳаракат қилган Р. ва М.га фаол қаршилик кўрсатиб, М.нинг баданига кейинчалик ўлимига сабабчи бўлган оғир шикастлар етказган.

Бироқ кассация инстанцияси суди А.нинг айби шакли ва даражаси, жиноят содир этиш пайтидаги ва содир этганидан кейинги хулқ-атвори, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олмасдан унга нисбатан қилмишига номувофиқ енгил жазо тайинлаган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 7 апрелдаги ажрими билан А. га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди кассация инстанциясининг 2010 йил 6

октябрдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кассация инстанциясида кўриб чиқиш учун юборилди.

Ишни янгидан кассация инстанцияси судида кўриш жараёнида А.га нисбатан чиқарилган суд ҳукми ўзгартирилиб, унга тайинланган 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 6 йилга келтирилган.

***Назорат иши ЖСХ-46-11***